

Ўзбекистон Республикаси номидан
Ҳ У К М

2024 йил июль ойининг 17 кунини жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар суди, ўз биносида, очиқ суд мажлисида, шу суднинг судьяси Ш.Эшимовнинг раислигида, судья ёрдамчиси О.Ҳамидовнинг котиблигида, давлат айбловчиси Қарши шаҳар прокурорининг ёрдамчиси А.Юлдошев, судланувчи Б.Ганиев ҳамда унинг ҳимоячиси-адвокат А.Шеров, фуқаровий даъвогар Н.Равшановнинг иштирокида, Ганиев Бахтиёр Донияровичга нисбатан 1-1801-2404/362-сонли жиноят ишини кўриб чиқди.

Иш ҳужжатларига кўра:

Ганиев Бахтиёр Дониярович - 1979 йил 7 майда Қашқадарё вилояти, Қарши шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-махсус, оилали, 7 нафар фарзанди бор, муқаддам судланган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2021 йил 15 декабрь кундаги ҳукмига кўра, 167-моддаси 3-қисмининг “а” банди ва 189-моддаси билан айбли деб топилиб, ЖК 59,62-моддаларига асосан иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромадига ушлаб қолгани ҳолда 1 йил 1 ой аҳлоқ тузатиш иши жазоси тайинланган, жиноят ишлари бўйича Қарши шаҳар судининг 2022 йил 20 сентябрь кундаги ажримига кўра, ЖК 73-моддаси 3-қисмининг “б” бандига асосан ўталмай қолган 6 ой аҳлоқ тузатиш иши жазосидан муддатидан илгари шартли равишда озод қилинган, Қарши шаҳар “Отчопар” МФЙ, Қўрғонтепа кўчаси, 37-уйда яшайди, мазкур жиноят иш бўйича муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси қўлланилган, айблов хулосаси нусхасини 2024 йил 15 июнь кунини олган.

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан айбланган

Суд судланувчи фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг кўрсатувларини тинглаб, жиноят иши ҳужжатларини ўрганиб чиқиб ва ишда мавжуд бўлган далилларга баҳо бериб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Ганиев Бахтиёр Дониярович “QARSHI SIFAT OLIY” масъулияти чекланган жамиятининг директори вазифасида ишлаб келиб, электр энергиясининг ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ташқаридан аралашиш йўли билан ўзгартириб, ўзганинг мол-мулкини яширин равишда



ўғирлик йўли билан талон-торож қилиш мақсадида Қарши тумани, “Боғобод” маҳалла фуқаролари йиғинида жойлашган, Қарши шаҳар электр таъминоти корхонаси орқали электр энергияси билан таъминландиган “QARSHI SIFAT OLIY” масъулияти чекланган жамиятида Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги “Электр энергияси ва табиий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чора-тадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли қарори талабларига зид равишда жамиятда муқаддам ўрнатилган электр энергиясининг ҳисобга олиш асбобларининг кўрсаткичларини ташқаридан аралаштириш йўли билан ўзгартириб, тижорат мақсадида фойдаланиб жами 145.454.400 сўмлик электр энергиясини ўғирлик йўли билан талон-торож қилган.

Ганиев Бахтияр Дониярович ўзининг жиноий ҳаракати билан Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” бандида кўрсатилган жиноятни содир қилган.

Судланувчи Б.Ганиев судда, айбига иқrorлик билдириб, ҳақиқатдан ҳам 2015 йилдан буён “Қарши сифат олий” МЧЖ директори сифатида фаолият юритиб келаётганлигини, хизмат вазифаларига “Қарши сифат олий” МЧЖда фаолият юритаётган ходимларга ўз вақтида ойлик маоши билан таъминлаш, жамиятни риволантириш ҳамда бошқа вазифалар киришини, “Ўзэнепргоинспекция” Қашқадарё вилояти бошқармаси ходими А.Рўзибоев, Ж.Самадов ва бошқалар томонидан 2023 йилнинг 13 ноябрь куни у раҳбарлик қилаётган “Қарши сифат олий” МЧЖда текшириш ўтказиб, “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоқларига қонуний уланиш ҳолати ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланганлигини, хусусан “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр энергиядан фойдаланиши қаровдан ўтказилганда, унинг трансформаторида ўрнатилган счетчик ишламатётганлиги сабабли русуми ЕХ518 завод рақами 124200388528 т/т 300/5 унинг аризасига асосан, 06.11.2023 йилда 0022979-сонли наряд билан ечилиб, ЕХ518 завод рақами 124200388785 ҳичоблагич ўрнатилганлигини, ҳисоблагич куйганлиги бўйича 2023 йил 20 февраль куни 10401-000310 сонли далолатнома расмийлаштирилган эски ҳисоблагич куйган вақтдан янги ҳичоблагич ўрнатилгунга қадар бўлган даврда ҳисобот топширилмаганлигини, бир дона КТП 100 КВА трансформатор орқали жами тармоққа уланган электр қабул қилгичлар қуввати 52,1 КВни ташкил этганлиги, сўнг ушбу ҳолат бўйича далолатнома расмийлаштирилиб, жами зарар 145.734.120 сўм этиб ҳисобланганлигини, у раҳбарлик қилаётган “Қарши сифат олий” МЧЖни 2023 йилнинг февраль ойидан бошлаб, 2023 йилнинг октябрь ойининг ўрталарига қадар фаолият юритмаганлигига асосий сабаб, жамиятда нон ва нон махсулотларини ишлаб чиқариш бўйича водийлик ишчи бетоб бўлганлиги сабабли уйига кетганлигини, бундан ташқари ёз фасли бўлганлиги сабабли торт ва ширинликлар ишлаб чиқариш тўхтатилганлигини, февраль ойида ҳисоблагич куйгналигини билганлиги сабабли 2023 йилнинг февраль ойида давлат хизматлари орқали ариза билан



мурожаат қилганлигини, шундан сўнг унга келиб йигирма беш миллион сўм атрофида жарима қўйишганлигини, ҳозирда жаримани тўлаганлигини, ушбу ёз фасли даврида корхона ишламаганлиги сабабли ҳисобот топширмаганлигини, аммо Ўзбекистон Республикаси Вазирлар Маҳкамасининг 12.01.2018 йилдаги “Электр энергияси ва таббий газдан фойдаланиш тартибини такомиллаштиришга доир қўшимча чоратадбирлар тўғрисида”ги 22-сонли қарори талабларига кўра агар тармоқдан ўзилмаган бўлса жарима тўлаш кераклигини билганлигини, шу сабабли айбига иқрорлик билдиришини, оилада ягона боқувчи эканлигини, вояга етмаган 7 нафар фарзандлари борлигини, ҳозирда етказилган зарарни тўлиқ қоплаганлигини инобатга олиб, суддан қонуний енгиллик беришни сўради.

Судланувчи Б.Ганиевнинг суд ҳукмида кўрсатилган жиноятни содир этганлиги, ўзининг айбига иқрорлик ва пушаймонлик билдириб берган кўрсатувидан ташқари:

-фуқаровий даъвогар Равшанов Нуриддин судда, “Ўзэнепргоинспекция” Қашқадарё вилояти бошқармаси ходими А.Рўзиев, Ж.Самадов ва бошқалар томонидан 2023 йилнинг 13 ноябрь куни “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоқларига қонуний уланиш ҳолати ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланганлигини, текширишда аниқланишича, “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр энергиядан фойдаланиши қаровдан ўтказилганда, эски ечилган ҳисоблагич куйганлиги сабабли, русуми ЕХ518 завод рақами 124200388528 т/т 300/5 истеъмолчи аризасига асосан, 06.11.2023 йилда 0022979-сонли наряд билан ечилиб, ЕХ518 завод рақами 124200388785 ҳисоблагич ўрнатилганлигини, ҳисоблагич куйганлиги бўйича 2023 йил 20 февраль куни 10401-000310 сонли далолатнома расмийлаштирилган эски ҳисоблагич куйган вақтдан янги ҳисоблагич ўрнатилгунга қадар бўлган даврда ҳисобот топширилмаганлигини, бир дона КТП 100 КВА трансформатор орқали жами тармоққа уланган электр қабул қилгичлар қуввати 52,1 КВни ташкил этганлигини, ушбу камчиликларни “Ўзэнепргоинспекция” Қашқадарё филиали масъул ходимлари томонидан далоланнома расмийлаштирилиб, Қарши электр таъминоти ходимларига қайта ҳисоб-китоб қилишга берилганлигини, шундан сўнг, Қарши шаҳар электр таъминоти бошлиғи ўринбосари Х.Жумаев бошчилигида юқорида қайд этилган камчиликларни қайта ҳисоб-китоб қилинганлигини, мазкур қайта ҳисоб-китоб қилиш жараёнини Вазирлар маҳкамасининг 2018-йил 12-январь кунидаги 22-сонли қарорига асосан амалга оширганлигини, мазкур қарорга кўра, масъул ходимлар даъво муддатини ҳисоблаб чиқишганлигини, даъво муддати куни 2023-йил 23-февраль кунидан 2023-йил 6-ноябрь кунига қадар 259 кунни ташкил этганлигини, шу асосда, 145.734.120 сўм миқдорда ноқонуний электр энергиясидан фойдаланганлигини аниқлашганлигини, ҳозирда етказилган зарар прокуратуранинг депозит ҳисоб рақамига тўланганлигини,



судланувчига нисбатан даъвоси йўқлигини билдириб, қонуний енгиллик беришни сўради.

-гувоҳ Жураев Элбек судда, “Қарши сифат олий” МЧЖда ширинликлар пишириш устаси бўлиб ишлашини, қолган ишчилар унинг қўлида ишлашларини, у бўлмаса иш юрмаслигини, 2023 йилнинг февраль ойида сўғич куйиб қолганлиги сабабли, Б.Ғаниевга ҳабар қилганлигини, сўғич электросет ҳодимлари келишиб, жарима қилиб, сўғични ўчириб кетишганлигини, шундан сўғич даволаниш учун водийга яшаш уйига кетганлигини, сабаби ҳаволар исиб ширинликлар мавсуми тугаганлигини, у бўлмаганлиги сабабли пишириқ цех ишламаганлигини, сабаби ундан бошқа ҳеч ким ушбу ускуналарни ишлата олмаслиги ҳақидаги кўрсатуви;

-гувоҳ Худойбердиев Шерзод судда, судланувчи Б.Ғаниевни олдиндан таниши, сабаби унга қўшни бўлган бинода қоровул бўлиб ишлашини, 2023 йилнинг баҳор ойларида “Қарши сифат олий” МЧЖ Б.Ғаниевнинг илтимосига биноан қоровулхонасига электр энергия бериб турганлигини, қолган ҳолатлардан ҳабари йўқлиги ҳақида кўрсатуви;

-гувоҳ Рузибоев Алишер судда, у Ж.Самадов ва бошқалар томонидан 2023 йилнинг 13 ноябрь куни “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоқларига қонуний уланиш ҳолати ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланганлигини, текширишда аниқланишича, “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр энергиядан фойдаланиши қаровдан ўтказилганда, эски ечилган ҳисоблагич куйганлиги сабабли, русуми ЕХ518 завод рақами 124200388528 т/т 300/5 истеъмолчи аризасига асосан, 06.11.2023 йилда 0022979-сонли наряд билан ечилиб, ЕХ518 завод рақами 124200388785 ҳисоблагич ўрнатилганлигини, ҳисоблагич куйганлиги бўйича 2023 йил 20 февраль куни 10401-000310 сонли далолатнома расмийлаштирилган эски ҳисоблагич куйган вақтдан янги ҳисоблагич ўрнатилгунга қадар бўлган даврда ҳисобот топширилмаганлиги сабабли далолатнома расмийлаштирилганлигини, унинг билганлари шундан иборат эканлигини ҳақида кўрсатуви;

-гувоҳ Қодиров Аббос судда, у Қарши шаҳар электроцетда инспектор бўлиб ишлашини, 2023 йил февраль ойида ҳамкасби И.Равшанов билан “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоғидан узишганлигини, тармоқдан сўғич орқали узганлигини, шу вақтда МЧЖ ишламаганлигини, кейинчаалик ишлаган ишламаганлигини билмаслиги ҳақида кўрсатуви;

-гувоҳ Рустамов Толиб судда, 2023 йилнинг 23 октябрь кунидан ҳозирги кунга қадар “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё ҳудудий бошқармаси бош мутахассиси лавозимида ишлашини, хизмат вазифасига электр энергия ишлаб чиқаришдан бошлаб истеъмолчига етказиб берилишига қадар бўлган жараёнларни назорат қилиш, электр энергиясидан ноқонуний фойдаланишларни олдини олиш, ноқонуний фойдаланишлар аниқланганда, далолатномалар расмийлаштириш, чоралар кўриш ҳамда



бошқа вазифалар киришини, “Ўзэнепргоинспекция” Қашқадарё вилояти бошқармаси ходими А.Рўзибоев, Ж.Самадов ва бошқалар томонидан 2023 йилнинг 13 ноябрь куни “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоқларига қонуний уланиш ҳолати ўрганилиб, бир қатор камчиликлар аниқланганлигини, текширишда аниқланишича, “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр энергиядан фойдаланиши қаровдан ўтказилганда, эски ечилган ҳисоблагич куйганлиги сабабли, русуми EX518 завод рақами 124200388528 т/т 300/5 истеъмолчи аризасига асосан, 06.11.2023 йилда 0022979-сонли наряд билан ечилиб, EX518 завод рақами 124200388785 ҳисоблагич ўрнатилганлигини, ҳисоблагич куйганлиги бўйича 2023 йил 20 февраль куни 10401-000310 сонли далолатнома расмийлаштирилган эски ҳисоблагич куйган вақтдан янги ҳисоблагич ўрнатилгунга қадар бўлган даврда ҳисобот топширилмаганлигини, бир дона КТП 100 КВА трансформатор орқали жами тармоққа уланган электр қабул қилгичлар қуввати 52,1 КВни ташкил этганлигини, ушбу камчиликларни “Ўзэнепргоинспекция” Қашқадарё филиали масъул ходимлари томонидан далоланома расмийлаштирилиб, Қарши электр таъминоти ходимларига қайта ҳисоб-китоб қилишга берилганлигини, шундан сўнг, Қарши шаҳар электр таъминоти бошлиғи ўринбосари Х.Жумаев бошчилигида юқорида қайд этилган камчиликларни қайта ҳисоб-китоб қилинганлигини, мазкур қайта ҳисоб-китоб қилиш жараёнини Вазирлар Маҳкамасининг 2018-йил 12-январь кундаги 22-сонли қарорига асосан амалга оширганлигини, мазкур қарорга кўра, масъул ходимлар даъво муддатини ҳисоблаб чиқишганлигини, даъво муддати куни 2023-йил 23-февраль кундан 2023-йил 6-ноябрь кунига қадар 259 кунни ташкил этганини, шу асосда, 145.734.120 сўм миқдорда ноқонуний электр энергиясидан фойдаланганлигини аниқлашганлигини, шундан сўнг, Қарши шаҳар прокуратураси томонидан судга оид иқтисодий экспертиза тайинланиб, хулоса олинганлигини ҳақида кўрсатуви;

-гувоҳ Равшанов Ислонбек судда, у Қарши шаҳар электроцетда инспектор бўлиб ишлашини, “Қарши сифат олий” МЧЖ жойлашган ҳудуд унга бириктирилганлигини, 2023 йил февраль ойида ҳамкасби А.Қодиров билан “Қарши сифат олий” масъулияти чекланган жамиятининг электр энергия тармоғидан узишганлигини, тармоқдан счетчик орқали узганлигини, шу вақтда МЧЖ ишламаганлигини, кейинчалик ишлаган ишламаганлигини билмаслиги ҳақида кўрсатуви;

-бундан ташқари, судланувчи Б.Ганиевнинг айби:

-тузилган далолатномалар, экспертиза хулосалари, ҳодиса содир бўлган жойни кўздан кечириш баённомаси, илова қилинган фотосурталар, судланувчи, фуқаровий даъвогар ва гувоҳларнинг тергов ва судда берган кўрсатувлари ҳамда жинойт ишида тўпланган бошқа далиллар билан ўз исботини топди.



Суд дастлабки тергов органи томонидан судланувчи Б.Ганиевга қўйилган айб квалификациясини муҳокама қилиб, Б.Ганиевнинг жиноий ҳаракати Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан тўғри квалификация қилинган деб ҳисоблайди.

Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 455-моддасида, ҳукм қонуний, асосли ва адолатли бўлиши шартлиги, ҳукм қонуннинг барча талабларига амал қилинган ҳолда ва қонун асосида чиқарилган бўлса, қонуний деб эътироф этилади. Ҳукм ишнинг ҳақиқий ҳолатлари унда кераклигича тўла ва юз берганига ҳақиқатдан монанд тарзда аниқланган бўлса, асосли деб эътироф этилиши, ҳукм айбдорга нисбатан жазо ёки бошқа таъсир чораси у содир этган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражаси ва унинг шахси эътиборга олиниб тайинланган бўлса, айбсиз шахс эса оқланган ва реабилитация этилган бўлса, адолатли деб эътироф этилиши, суд ҳукми фақат суд муҳокамасида текширилган далиллар билан асослаши, суднинг ҳукмда ифодаланган барча хулосалари асослангилган бўлиши лозимлиги қатъий белгилаб қўйилган.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодексининг 7-моддасида, жиноят содир этган шахсга нисбатан у ахлоқан тузалиши ва янги жиноят содир этишининг олдини олиш учун зарур ҳамда етарли бўладиган жазо тайинланиши ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси қўлланилиши кераклиги;

-8-моддасида, жиноят содир этишда айбдор бўлган шахсга нисбатан қўлланиладиган жазо ёки бошқа ҳуқуқий таъсир чораси одилona бўлиши, яъни жиноятнинг оғир-енгиллигига, айбнинг ва шахснинг ижтимоий хавфлилик даражасига мувофиқ бўлиши кераклиги кўрсатилган.

Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2014 йил 23 майдаги “Суд ҳукми тўғрисида”ги 7-сонли қарорининг 28-бандида, судлар жазо тайинлашда, содир этилган жиноятнинг ижтимоий хавфлилик даражасини ва хусусиятини, содир этилган қилмишнинг сабабларини, келтирилган зарарнинг миқдори ва хусусияти, айбдорнинг шахси, унинг жавобгарлигини енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларни ҳисобга олишлари кераклиги ҳақида, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги Қарорининг 1,3-бандларида “Судларнинг эътибори жиноят учун жазо чорасини тайинлашда қонунийлик, инсонпарварлик, одиллик ва жавобгарликнинг муқаррарлиги тамойилларига қатъий амал қилишга қаратилиши, жазо адолатли бўлиши - ҳар бир ҳолатда индивидуал тайинланиши, жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасига, айбдорнинг шахсига, шунингдек, жазони енгиллаштирувчи ва оғирлаштирувчи ҳолатларга мувофиқ бўлиши кераклиги” ҳақида тушунтиришлар берилган.

Суд, судланувчи Б.Ганиевга нисбатан жазо тури ва миқдорини белгилашда жиноятнинг хусусияти ва ижтимоий хавфлилик даражасини, жазосини енгиллаштирувчи ҳолатлар деб, уни айбига иқдор бўлиб



пушаймонлик билдирганлигини, оилада ягона боқувчи эканлигини, вояга етмаган 7 нафар фарзандлари борлигини, етказилган зарарлар қопланганлигини (ЖК 55-моддаси), ғараза ниятларда жиноят содир этганлигини жазосини оғирлаштирувчи ҳолатлар деб (ЖК 56-моддаси), инobatга олиб, Ўзбекистон Республикаси Олий суди Пленумининг 2006 йил 3 февралдаги “Судлар томонидан жиноят учун жазо тайинлаш амалиёти тўғрисида”ги 1-сонли қарори тушунтиришларидан келиб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, модда санкциясида назарда тутилмаган енгилроқ жазо яъни иш ҳақининг маълум фоизини давлат даромадига ушлаб қолган ҳолда ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлашни, ахлоқ тузатиш иши жазони назорат қилувчи органлар белгилаб берган жойларда ўтатиришни белгилашни, жазони ижро этиш Қарши шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатишни ва жазони ўташ муддати Б.Ганиев жазони ўташ учун юборилган иш жойида иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблашни, судланувчи Б.Ганиевга нисбатан қўлланилган эҳтиёт чораси бекор қилишни лозим топди.

Шунингдек, суд фуқаровий даъвогарга етказилган зарарлар масаласини ва ашёвий ва ёзма далиллар масаласини муҳокама қилиб, Б.Ганиевдан томонидан Қашқадарё вилоят прокуратуранинг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 145.455.000 сўм пул маблағини Қарши шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказишни, етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини қайд этишни, ашёвий далил – жиноят ишлари бўйича ашёвий далилларни сақлаш хонасига топширилган “Қарши сифат олий” МЧЖга тегишли бўлган электр ҳисоблагич судланувчи Б.Ганиевга қайтаришни, ёзма далил – жиноят иши бўйича “Электрон ҳисоблагич” ҚК МЧЖнинг “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр ҳисоблагични текширилганлиги бўйича хати ҳамда “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 17.05.2024 йилдаги хати жиноят иши билан бирга сақлашни лозим топди.

Ўзбекистон Республикаси Жиноят-процессуал кодексининг 454-457, 460, 463, 465-468, 471, 473-моддаларига амал қилиб, суд

Ҳ У К М Қ И Л Д И:

Ганиев Бахтиёр Дониёрович - Ўзбекистон Республикаси Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “в” бандида назарда тутилган жиноятни содир қилганликда айбли деб топилсин.

Б.Ганиевга Жиноят кодекси 169-моддаси 3-қисмининг “в” банди билан ЖК 57-моддасини қўллаб, иш ҳақининг 20 фоизини давлат даромади ҳисобига ушлаб қолган ҳолда 3 (уч) йил ахлоқ тузатиш ишлари жазоси тайинлансин.



Жазо мазкур жазо ижросини назорат қилувчи органлар белгилаб берадиган жойларда ўтатирилсин. Жазо ижросини назорат қилиш Қарши шаҳар ИИО ФМБ бошлиғи зиммасига юклатилсин.

Жазони ўташ муддати Б.Ганиев жазони ўташ учун юборилган иш жойида иш бошлаган кундан бошлаб ҳисоблансин.

Судланувчи Б.Ганиевга қўлланилган муносиб хулқ-атворда бўлиш ҳақидаги тилхат эҳтиёт чораси бекор қилинсин.

Б.Ганиевдан томонидан Қашқадарё вилоят прокуратуранинг “Ипотека банк” АТИБ Қашқадарё вилоят филиалидаги депозит ҳисоб рақамига топширилган 145.455.000 сўм пул маблағи Қарши шаҳар электр таъминоти корхонаси ҳисоб рақамига ўтказилсин.

Етказилган зарар тўлиқ қопланганлиги қайд этилсин.

Ашөвий далил – жиноят ишлари бўйича ашөвий далилларни сақлаш хонасига топширилган “Қарши сифат олий” МЧЖга тегишли бўлган электр ҳисоблагич судланувчи Б.Ганиевга қайтарилсин;

Ёзма далил – жиноят иши бўйича “Электрон ҳисоблагич” ҚК МЧЖнинг “Қарши сифат олий” МЧЖнинг электр ҳисоблагични текширилганлиги бўйича хати ҳамда “Ўзэнергоинспекция” Қашқадарё вилоят ҳудудий бошқармасининг 17.05.2024 йилдаги хати жиноят иши билан бирга сақлансин.

Ҳукмдан норози томон, ҳукм эълон қилинган кундан, судланувчи ва фуқаровий даъвогар ҳукм нусхасини олган кундан бошлаб, ўн сутка ичида шу суд орқали Қашқадарё вилоят суди жиноят ишлари бўйича апелляция инстанциясига апелляция тартибида ёки ҳукм қонуний кучга киргач кассация тартибида шикоят келтиришга, прокурор эса протест билдиришга ҳақлидирлар.

Раислик қилувчи судья

Ш.Эшимов

